

ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ

296 –СОНЛИ МАЖЛИСИ қарорлари

(оффлайн ва онлайн режимида ўтказилган)

09 сентябрь 2020 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Раис – проф. Х.А.Акилов ва 53 та кенгаш аъзолари

Котиба – доц. Гулямова М.К.

Кун тартиби

I.Ўзбекистон Мустақиллиги-олий неъмат! Маънавият ва маърифат бўлим бошлиғи Максудова Ш.Р.

II. Институтнинг 2019-2020 йилдаги иш фаолияти ва келгуси йилларга мўлжалланган асосий вазифалар

Олимлар кенгаши раиси, институт ректори, проф. Акилов Х.А.

III.Олимлар кенгашининг янги ўқув йилига мўлжалланган иш режасининг лойиҳаси ҳақида. Илмий котиба Гулямова М.К

IV.Турли масалалар

IV. 1. Олимлар кенгаши таркибига узгартириш киритиш

IV. 2.Ишчи гуруҳини тайинлаш

IV. 3.Доцент унвонларига танлов

IV. 4.Грант лойиҳасини тасдиқлаш

IV. 5.Диссертация мавзуларини тасдиқлаш

IV. 6.Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш

Олимлар кенгаши мажлиси оффлайн ва онлайн режимида ўтказилди. Олимлар кенгашининг аъзолари кун тартибидаги барча масалаларни тинглаб, муҳокама қилиб, тасдиқладилар ва қуйидаги қарорларни қабул қилдилар:

I .Олимлар кенгаши қарори: Ўзбекистон Мустақиллиги-олий неъмат! маърузаси эътибор учун қабул қилинсин.

II Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан сўз раис проф.Х.А.Акиловга берилди.

У Институтнинг 2019-2020 йилдаги иш фаолияти ва келгуси йилларга мўлжалланган асосий вазифалар бўйича ҳисобот берди.

Олимлар кенгаши қарори:Х.А.Акиловнинг институтнинг жорий йилдаги фаолияти бўйича қилган ҳисоботи қабул қилинсин.

Ҳисобот юзасидан қарорлар қабул қилинди :

- **Марказнинг концепция ва стратегиясини ишлаб чиқилсин**
- **Марказ базасида жойлашган кафедралар фаолиятини мукамаллаштирилсин**
- **Вилоятларнинг малака ошириш факультетлари билан алоқаларни жонлантирилсин**
- **Ўқитишнинг интерфаол турларини, масофадан туриб ўқитиш, муаммоли ўқитиш усулларини ва улар назоратини фаоллаштирилсин;**
- **Электрон деканат ва электрон ҳужжат алмашинувини янада такомиллаштирилсин**

- Ходимлар орасида хорижий тилларни ўзлаштириш сертификатларига (IELTS, TOEFL) эга бўлишларига аҳамиятни қаратилсин
- Хорижий интеграцион цикллар сонини кўпайтириш ва хорижий ҳамкорлар билан маҳорат сабақларини ташкиллаштиришга аҳамиятни қаратилсин.
- Марказ ходимларининг хорижда малака оширишни такомиллаштирилсин.
- Илмий грантларни ва хорижий нашрлар кўрсаткичларни яхшилансин.
Факультетларимиз ҳар бир профессор ўқитувчилари ёш кадрларни, хусусан катта илмий ходим ва изланувчиларни докторлик диссертацияларини бошқаришни фаоллаштириб, уни ижобий яқунига етишишини таъминлаб беришга эътибор берилсин, нафақат илмий ходим, балки ҳар бир кафедра ходимининг хорижий (Web of science, Scopus) нашр кўрсаткичларини кўпайтирилсин;
- Марказда ташкиллаштирилган симуляцион марказ ишини такомиллаштириш учун дастурлар яратиш ва тизимли равишда ўқитишни йўлга қўйилсин.
- Факультет, кафедра ва бўлимлардаги ҳужжатлар, ёзишмаларни сўзсиз давлат тилида юритилиши, ўқув базалар жойлашган тиббиёт муассасаларнинг биноларидаги атама ва эшик пештоқидаги номлар биринчи навбатда давлат тилида ва заруратдан келиб чиқиб ундан кейин бошқа тилларда ёзилишини таъминлансин.
- Марказда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари, коррупцияга қарши курашиш тўғрисида ходимлар ва курсантлар орасида мунтазам тарғибот ишларини йўлга қўйилсин.
- **Масъуллар:** Деканлар, кафедра мудирлари, тегишли бўлимлар
- **Назорат:** ўқув бўлими ва раҳбарият
- **Муддати:** ўқув йили давомида.

III. Кун тартибидаги кейинги масала юзасидан сўз илмий котибага берилди. У Олимлар кенгашининг янги 2019-2020 йй. мулжалланган иш режасининг лойихаси билан йиғилганларни таништирди. Таклифлар берилди.
Уларга кўра янги сайланган кафедра мудирлари ҳам мажлисларда маърузалар билан қатнашишлари лозимлиги айтилди ва улар қабул қилинди.
Лойиха бир овоздан қабул қилинди.

Олимлар кенгаши қарори: Олимлар кенгашининг янги 2019-2020 йй. мулжалланган иш режасининг лойихаси таклифларни эътиборга олган ҳолда тасдиқлансин.

- Факультет кенгашларида шу йил диссертация ёқлаган янги фалсафа докторларининг маърузалари тинглансин.

IV. Турли масалалар

IV.1. Олимлар кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида

Қарор; Олимлар кенгаши таркибидан

1. Азизов М.Дж.

2. Носиров Ш.Н.

3. Исхакова Х.И.

4. Ярмухамедова Г.Х.

5. Ярмухамедова Д.С. лар чиқарилиб, кенгаш таркибига Аблязов О.В., Ирисметов М., Мухамедова М.Г. лар киритилсин.

IV.2 Ишчи гуруҳини тасдиқлаш. Олимлар кенгаши аъзоларининг таклифи билан

Олимлар кенгаши қарори: Сентябрь ойида эндокринология ва гематология трансфузиология билан кафедраларининг фаолиятини текшириш учун қуйидаги таркибдаги ишчи гуруҳи тасдиқлансин:

Раис: проф. Гайбуллаев А.А.

Аъзолари: проф.Хамрабаева Ф.И.,Шигаева Ф.Ф.,Гафарова Ф.М.,т.ф.д.Арипов О.А., доц.Салиходжаева Р.К.

IV 3.Доцент унвонларига танлов.

Олимлар кенгаш қарори: Педиатрия мутахассислиги бўйича доцент унвонига Гафарова Ф.М. ва ЛОР ихтисослиги бўйича Пардаев Даврон Эшмуновичлар танловдан ўтган деб ҳисоблансинлар.

IV. 4. Грант лойиҳасини тасдиқлаш:

Олимлар кенгаши қарори: “Ирсий мойиллик ва фенотип омилларни аниқлаш асосида COVID-19 инфекциясининг оғир кечуви профилактикаси усуллари ишлаб чиқиш” номли амалий грант лойиҳаси тасдиқлансин.

IV.5.Докторлик диссертациялари мавзуларини тасдиқлаш.

Олимлар кенгашининг қарори: Алиева Мунира Абдурашидовнанинг "Клинические и патогенетические особенности хронической ишемии мозга при обструктивных сонных апноэ".14.00.13 номли РНД докторлик диссертациясининг мавзуси тасдиқланиб, унга илмий раҳбар:Б.Г.Гафуров тайинлансин.

- **Олимлар кенгашининг қарори: Закиров Рустам Рухуллаевичнинг : " Оптимизация терапии и профилактики андрогенной алопеции у пациентов с микрофиброзированием устьев волосяных фолликулов " номли т.ф.д. Ф.Д.Азимова раҳбарлиги остидаги докторлик диссертациясининг мавзуси тасдиқлансин.**

IV. Услубий ҳужжатларни тасдиқлаш.

Олимлар кенгаши қарори: МТУК таклиф этган барча ҳужжатлар антиплагиат текшируви ўтгандан сўнг тасдиқлансин.

Шунинг билан кенгаш йиғилиши ёпиқ деб топилди.

Олимлар кенгаши раиси:

проф.Х.А.Акилов

Олимлар кенгаши котибаси,доц.

М.К.Гулямова